



**ЎЗБЕКИТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙВАЎРТАМАХСУСТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОНДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ҲОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛТЕТИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ ИШИ

Мавзу: Аудиовизуал метод: намоёндалари, максоди,тамойиллари

Бажарди:

Кобилбекова К.

Текширди:

Маматкулова С.

Андижон 2014

МАВЗУ:Аудиовизуал метод : намоёндалари, максоди,тамойиллари

Режа

1. Кириш

2. Асосий қисм

1. Чет тиллари ўқитиш методикасида қўлланилган методлар

2. Аудио-визуал метод

3. Методлар тамойиллари, мақсад ва вазифалари

3. Хулоса

4. Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Чет тили ўқитиш методикаси фани талабаларда касбий малакаларни шакллантириш мақсадини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Ушбу курсда Чет тилиўқитиш методикасининг назарий билимлари баён этилади. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларида Чет тилиўқитиш жараёни билан бевосита боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Умумий ва хусусий методиканинг масалалари ўрганиб борилади. Чет эл методикасининг умумназарий томонларини ёритиб борилиши талабаларда методика фанига таълимнинг хусусий назарияси сифатида илмий қарашларини шакллантиради. Ҳозирги методиканинг назарий ва амалий муаммоларини тўғри ҳамда ижодий ҳал қилишга ёрдам беради.

Хар бир олий таълим муассасасида чет тилини ургатиш ҳозирги замон талабига айланиб улгурган. Чунки ҳозирда қандай соҳа бўлишидан қатъий назар чет тили муҳим рол уйнамоқда. Буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий айтганидек «Тил билган – эл билади». Дарҳақиқат ҳар бир соҳа вакиллари чет тилини мукаммал эгаллаши унинг иш фаолиятида ва шахсий ҳаётида ҳам катта ютуқларга эришади. Она тилидан бошқа тилни урганиш уша халқнинг маданияти санъати фан техника ютуқлари сиёсий иқтисодий маънавий ва маърифий жихатларини урганиш инсонни фикрлаш доирасини унинг дунёқарашини ортишига ёрдам беради. Ҳозирда халқаро алоқаларда кенг фойдаланилаётган бир неча хорижий тиллар мавжуд. Халқаро алоқалар бизнесга оид масалалар тиббиёт ишлаб чиқаришнинг бир неча соҳаларида айнан чет тили муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақилликдан кейин мамлакатимизга кириб келган бир неча қўшма корхоналарда иш фаолиятини юргизишда ҳам чет тилининг аҳамияти катта. Шунинг учун қандай мутахассисликка эришишдан қатъий назар ҳар бир олий ўқув юртиларида чет тилини мукаммал ургатиш керак ва бу бугунки ривожланаётган мамлакат келажаги учун муҳим пойдевор саналади.

Ўқитиш жараёни тушунчаси қамровига муаллим ва ўқувчи фаолияти ҳамда ушбу жараённинг ташкилий шакллари киради. Таълимшуносликда бу жараён ўқув йили, ўқув чораги, дарс/ машғулоти номлари билан аталади. Дарс деганда, ўқув фаолиятининг айрим бир бўлаги тушунилади. Арабча дарс (мадраса— дарс ўтиладиган жой, диний мактаб; мудarris—дарс берувчи, муаллим; тадрис—дарс бериш/ўтиш каби сўзлар билан ўзакдош) сўзлашув тилида машғулоти, сабоқ, деб ҳам юритилади. Машғулоти атамаси эса машқ сўзи билан бир ўзакдир. Машқлар бажариш машғулоти ташкил этади. Чет тил дарси/машғулоти машқлар мажмуидан иборатдир.

Дарс масаласи бўйича умумий таълимшуносликда сон-саноксиз китобу мақолалар ёзилган, хусусий таълимшунослик бўлимиш чет тил ўқитиш тадриси (методикаси)да эса қўйлаб қилмий асарларда боблар ва мақолалар битилган, йирик рисоалар ҳам нашр қилинган. Чет тил ўқув предмети дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда ўрганилади (Дарсдан ташқари ишлар муаллим раҳбарлигида ва мустақил бажарилади). Дарс мажбурий машғулоти сифатида қонунлаштирилган. Факультатив машғулотлар дарсдан алоҳида ўтказиладиган ўқув тадбирларидандир (Факультатив XVIII бобда, дарсдан ташқари ишлар XIX бобда ёритилади).

Дарс—педагогик асардир (М. Н. Скаткин). «Чет тил дарси» атамасини эшитганда ва ўқиганда, унинг мақсади, турлари, босқичлари ва дарс режаси кўз ўнгимизда намойён бўлади. Уларнинг мухтасар баёнига киришамиз.

Дарснинг мақсади. Чет тил дарси бошқа ўқув предметларидан икки тарафи, яъни дарс мақсади ва мазмуни билан фарқ қилади. Ушбу предмет дарсларида нутқ ўргатилади. Чет тилда ўқувчи тайёрлов ва нутқ машқлари бажариш билан банд бўлади. Чет тил дарсининг асосий хусусияти унинг амалий, яъни нутқий йўналганлигидир. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни амалда эгаллайдилар.

Таълим жараёнининг ташкил қилиниши бевосита дарс мақсади билан боғлиқ. Мақсад фаолият бажарувчининг маёғидир. Якуний амалий мақсад четили дарсининг мақсад ва вазифаларини белгиловчи омилдир. Дарсда амалий мақсаддан келиб чиқиб, хусусий вазифалар ечшлади. Мақсад (вазифа)лар бир дарсда бирдан учитагача бўлиши мумкин.

Мақсад натижа билан боғланган, вазифа фаолият шароитига дахлдор. Бир мақсад б ўйича турли вазифалар бўлиши мумкин. Уқув материалининг қийин/осонлиги, қийинчиликларни енгил усуллари, ўқувчи ва муаллимнинг ўзаро биргаликда фаолият кўрсатишлари, ўқувчининг ўрганишга ички турткиси сингарилар дарс вазифасини белгилаш шартларидир. Қийин материал махсус ўрганилади, яъни унга бевосита тегишли машқлар бажарилади. Уқувчи ва муаллим бирга ҳаракат қилиши тушунарли. Ички туртки таҳлил талаб масаладир.

Методик манбаларда мчки туртки (мотивация)нинг уч тоифаси маълум: (1) истикболга оид (чет элга бориш, тилни ўз иш фаолиятида қўллаш), (2) яқин келажакка тегншли (кечалар, конкурслар, олимпиадаларда иштирок этиш, деворий матбуотга мақола тайёрлаш) ва (3) муаллим топшириғини бажаришга қаратилган мотивация бўлади. Охиргисини шартли равишда яқин мотивация дейиш мумкин. Дарс вазифаларини бажаришда мотивация муҳим аҳамият касб этади.

Асосий қисм

1. Чет тиллари ўқитиш методикасида қўлланилган методлар

Чет тилларини ўқитиш методикасининг ривожланиши тарихида қўлланилган методларни ўрганиш методика фани учун жуда зарурдир. Биз уни танқидий ўрганамиз, бундай ўрганиш чет тилларини ўқитиш методикасининг илмий тадқиқот методлардан биридир. Ўрганиш орқали методикани кенгайтирамыз, ривожлантирамыз, бойитамиз. Чет тилларини ўқитишнинг ривожланиш босқичларида турли методлар қўлланилган. Улар қуйидагилар:

1. Таржима методлари. Улар икки хил кўринишда бўлган.

I. Грамматик-таржима методи; 2) Лексик-таржима методи.

II. Тўғри метод.

III. Гарольд Пальмер методи.

IV. Уэст метод.

АУДИО-ВИЗУАЛ МЕТОД

Аудио-визуал метод XX асрнинг 40-йилларидан ри-вожлана бошлади. Унинг асосчилари югослав методис-ти Петр Губерина, француз методистлари Поль Ре-ванк, Жорж Гугенеймдир. Бу методни тарғиб қилаёт-ган, ишлаб чиқаётгағ!, марказ Париж яқинидаги Сен Клу шаҳарида жойлашган. Аудио-визуал метод чет ти-лида ўрганштаётган ҳамма тил материалларини расми-ни ёки экранда кўрсатиш ва тинглатиш орқали чет тилини ўргатади. Аудио-визуал метод муаллифлари қуй-идаги тамойилларни асос қилиб олганлар:

1. Жонли тилнинг диологик шакли олинган;
2. Ўқиш-ўргатишнинг асоси оғзаки нутқ дсб қарал-ган;
3. Янги материал бутун структураларни тинглаш, кўриш орқали берилган.
4. Янги тил материалларининг маъноси фақатгина предметларни, расмларни, ҳаракатларни, кинофильм, диафильм, слайдлари кўриш орқали очилган.
5. Янги тил материалларини ўзлаштириш тақлид қилиш, ёдлаш, ўхшашлиги бўйича янги структуралар-ни тузиш орқали бўлган.

Аудио-визуал метод орқали чет тили ўргатишда, ўрганишда ўқувчилар ўрганаётган материалларни бир вақтнинг ўзида^қам тинглайди, ҳам экранда ски расм-ларда кўради. Ўқитиш фақатгина чет тилида олиб бо-рилиб, тинглаш, кўриш, техник воситаларни кенг қўллашга мўлжалланган.

Метод қуйидаги 2 та босқични ўз ичига олади:

1. Рецепттив иш.
2. Репродуктив иш.

Рецептив ишда ўқувчилар суҳбатни чет тилида 2—3 марта тинглайди, кўради. Ёдида сақпашта ҳаракат қилади. Репродуктив ишда эса ўқувчи суҳбатни овозсиз кўра-ди, сўзловчининг ўрнига гапирди, қайтаради. Сўнгида эса ўқувчилар уни кенгайтирадилар.

Диалогни ўргатиш 4 та босқичга бўлинади:

1. Материални тақдим қилиш. Диафильмни овозли ва овозсиз кўриш.

2. Тушунтириш. Диафильмни яна кўрсатиб тушун-тириш, тушунганликни текшириш ва тушунмаган жойи бўлса яна тушунтириш.

3. Қайтариш. Ўқувчиларни тинглаган материални такдид қилишга ўргатиш.

4. Фаоллаштириш. Диафильмни овозсиз кўриб гапи-риш, сўзлаш.

Бу метод асосида оғзаки нутқни ўргатиш ётади. Нутқ вазиятлари, гап моделлари эса чуқур ўиланиб, танлаб олинади.

Ҳозир бу метод орқали чет элликларни француз тилига ўргатилмоқда, лекин бу метод кенг тарқалиб оммалашмаяпти. Бизнинг мактабларда бу метод соф ҳолда қўлланилмайди.

Грамматикани ўргатиш – чет тилини ўргатишдаги муҳим йўналишларидан биридир, чунки грамматикасиз тўлақонли коммуникация бўлиши мумкин эмас. Шубҳасиз, грамматик қоидаларни билиш, тилни яхши эгаллаш учун зарурдир. Охирги йилларнинг долзарб саволларидан бири шундаки, шу ёки бошқа машқларни бажаришни ўргатишда махсус қоидалар ёрдамида эмас, аксинча коммуникатив фаолият жараёнида грамматикани ўқувчиларнинг ўз тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда эгаллашларидир. Кўп йиллар давомида, тилларни ўргатишнинг ҳеч бир йўналиши грамматикачалик баҳсли, мунозарали йўналишлардан бири бўлмаган. Грамматика турлича тушунилган бўлиб, она тили ёки бирорта чет тилини ва умуман баъзи мамлакат таълим тизимида бир хил бўлмаган ролни ўйнаган ва ўйнаб келмоқда.

Грамматика бир қатор факторлар: назарий лингвистика, чет тилини ўргатиш ва таълим тизимида давлат сиёсати таъсири ва бошқа натижалар асосида тез-тез ўзгариб туради.

«Грамматика» тушунчасига доир. Укиганда ёки узга шахс нутқини тинглаганда «грамматика» атамасини учратган киши уни турли маъноларда тушуниши мумкин. Бунинг сабаби бор. Ўрта мактаб она тили курсида «грамматика» деганда, тилшуносликнинг бир соҳаси, булими тушунилади. Чет тил укиганда эса унга нутқнинг грамматик томони деб каралади. Илмий манбаларда баён этилган турли-туман

маълумотларни чет тил уқитиш максадига татбиқ этиб, «грамматика» сузини икки тушунча билан чегаралаш мумкин: 1) нуткнинг грамматик томони — тилнинг гапириш, тинглаш, уқиш ва ёзувда учрайдиган грамматик ходисалари (мас. нутк. намунаси; феълнинг шахс шакли; артикль) ва 2) тил ходисаларини таърифловчи маълумотлар (мас. эга гапда биринчи уринни эгаллайди; отнинг бирлик шаклига (чет тилга оид) фалон кушимча кушилади).

Нуткнинг грамматик механизмида грамматик ҳаракатлар етакчи урин эгаллайди. Нуткнинг грамматик жихатдан автоматлашган куникмаларини ҳосил қилиш грамматик ҳаракатни эгаллаш дейилади. Грамматик тайёр материални урганиш деганда, грамматик шаклларни эслаб қолиш тушунилади. Таъриф, қоида, тушунчани эсда сақлаш ва қуллаш умумлашмани узлаштириш демакдир.

Тайёр материални ўрганиш чет тилдаги бирликларни билиб олиш, грамматик ҳаракатни эгаллаш — куникма ҳосил қилишдир. Материал сифатида ёрдамчи сузлар ва грамматик морфемалар урганилади, куникма тарзида эса сузнинг узгариши, суз бирикмалари ва гап тузилиши узлаштирилади.

Грамматик материал тушунчаси грамматик ҳадисанинг шакли, деган гап эмас. Шакл атамаси маъноси доирасига гап ёки суз бирикмаси тузилиши, сузларнинг таркибий қисмлари, ёрдамчи сузлар, суз ясовчи ва шакл (форма) ясовчи курсаткичлари бўлмаган бирликлар киритилади. («Грамматик ҳодиса шакли» тушунчаси мантиқан номақбул бўлиб, «сузнинг грамматик шакли» атамаси эса услубан уринли ҳисобланади.

Актив ва пассив грамматика муаммоси методикада узок, давр баҳсларга сабаб бўлган. И. В. Раҳманов актив ва пассив материал атамаларини репродуктив ва рецептив тарзда нуткни эгаллашга боғлаб қўллаган.¹ Актив грамматика деганда, репродуктив (ва шунингдек рецептив) нуткда қўлланидиган грамматик ҳодисалар назарда тутилади. Айрим манбаларда актив грамматикани «гапириш грамматикаси» деб ҳам юритилади. Пассив грамматика тушунчаси доирасига, Л.В. Шчерба² методик таълимотига биноан, идрок этиб

тушуниш (укиш, тинглаш)да кулланадиган грамматик ходисалар ва уларга оид маълумотлар киради. «Пассив» атамаси факат ухув материалига тааллуқли, уқувчи фаолияти эса таълимда доимо актив булиши зарурияти рухшунослик ва таълимшуносликда узил-кесил эътироф этилган. Маълумки, нутқ фаолиятининг икки турини Л. В. Шчерба (1931 йилда³) назарий асослаб берган эди. Унинг назарияси мамлакатимизда ва хорижда⁴ чет тил уқитиш методик тафаккури ривожига салмоқли хисса қўшди. Тилни пассив (рецептив) ва актив (репродуктив) узлаштириш масаласига П. Хэбболдт⁵нинг китобида махсус қисм баришланган. Пассив грамматикани Ч. Хэндшин⁶ “recogitional grammar” деб атаган. Х. Дункел⁷ уни “visual grammar” атамаси билан, М. Уэст⁸ эса “grammar for recogitional” деб номлаган. Қўп сонли методик тадқиқотларда пассив грамматикани «уқитиш грамматикаси» атамаси билан юритишади.

Ҳозирги кўнчага чет тилини ўргатишда грамматиканинг ўрни камайиб бораётгани қўзғатилмоқда. Кўпгина Европа педагоглари чет тилини ўргатишда анъанавий услублардан фойданса мактаб ўқувчилари на грамматик атама ва тушунчаларни ва на грамматик таҳлил мақсадларини тушунадилар деб ҳисоблайдилар. 60-70 йиллардан бошлаб Хомскийнинг генератив грамматикаси пайдо бўлганидан сўнг, бизнинг мамлакатимизда ҳам грамматикани ўргатишда анъанавий усуллардан воз кечилди. Кейинги ўн йилликлар давомида грамматикани ролини хаддан ташқари қисқартириш натижасида тил ўрганувчилар орасида нутқдаги ҳатоларнинг сони кескин ошиб кетганлиги қўзғатилмоқда.

Қадимги тажриба шуни кўрсатадики, бир томонлама, қайсидир грамматикадан вос кечишга уринмоқ, бошқа томонлама эса, ўқув амалиётида унинг ролини кучайтирмоқ, тилни эгаллашдаги салбий натижаларни кўрсатади.

ГРАММАТИК ТАРЖИМА БИЛАН БОҒЛИК АЙРИМ ЛИНГВОДИДАКТИК МАСАЛАЛАР

Хозирги пайтда ҳар томонлама етук, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш масаласи таълим тизими олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хозирда улар ижтимоий ҳаётнинг барча жабхалари учун жуда зарур. Замонавий малакали мутахассисдан чуқур билим касбий маҳорат билан бирга компютер саводхонлиги ва албатта чет тиллардан бирини билиш талаб этилади, чунки у уз меҳнат фаолиятида хорижий манбаларда чоп этилган уз касбига оид материалларни уқиб таржима қила олиши, уни амалиётга тадбиқ қила билиши, хорижлик ҳамкасби билан ишга доир фикр алмаша билиши керак. Бунинг учун замонавий мутахассис маълум даражадаги суз бойлигига эга бўлиши лозим, шундагина у хорижий тилдаги матнни уз она тилисига таржима қила олиши ва фикрни хорижий тилда ифодалай билиши лозим шунинг учун ҳам таржима чет тили уқитиш методикасида муҳим урин эгаллаб келган. Агар чет тили уқитиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак энг аввал грамматик таржима методи шаклланганлигини гувоҳи бўламиз. У икки қурунишда бўлган: лексик таржима ва текстуал (матн) таржима.

Биринчиси, яъни лексик таржима методида асосий эътибор лексик бирликлар (сузлар) ва бир-бири билан мантикий боғлиқ бўлиши шарт бўлмаган гапларни таржима қилишга қаратилади. Бу қупрок сузларни гапларда ишлата билиш қуникмаларини шакллантиришда машқ қилиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Иккинчи қуруниш яъни текстуал таржимада эса маълум мавзу асосида бир-бири билан мантикий боғлиқ гаплар тузиш орқали таржиманинг махсули сифатида матн олинади ва чет тили урганиш маълум мавзулар бўйича тузилган матнлар асосида олиб борилади. Бу лексик - таржима методига

нисбатан бир кадам олга силжиш сифатида талкин килиниши мумкин, чунки у лексик таржима - методига нисбатан бир катор афзалликларга эга. Чет тили урганишда мантикий боғлиқ гаплардан ташкил топган яхлит матндан фойдаланиш маълум мавзу асосидаги матнларни таржима килишда асосий эътибор таржима оркали ахборот олиш ва ахборот беришга қаратилиши ушбу методнинг ижобий томонларидан биридир. Бу уқувчиларда аввал матнни сузма суз таржима килиш сунг эса уни адабий таржима килиш қуникмаларини устиради. Адабий таржима деганда матн таржимасига нисбатан ижодий ёндашув назарда тутилади. Шу йул билан талабаларда хорижий тилдаги матнни ўқиш ва уни лугатдан фойдаланилган ҳолда мустиқил таржима килиш қуникмалари шакллантирилади. Бундан қуриниб турибдики, чет тили ўқитиш методикасининг илк босқичларида таржима ўқув материални урганишда уни тушуниб олиш ва мустиқамлашда асосий восита бўлиб хизмат қилган. Аввал, қупрок она тилидан чет тилига, кейинрок эса чет тилидан она тилига таржима килишга эътибор қаратилган.

XIX аср урталарида чет тилларни ўқитишда асосий эътибор грамматик ҳодисаларни системали урганишга йуналтирилган. Бунга сабаб ўша даврда грамматик таржима методи тарафдорлари Гегелнинг фалсафий қарашлари тахсири остида бўлиб, улар грамматика мантикий фикрлашни устиришда ёрдам беради ва чет тили ўқитишда грамматикани урганиш бирламчи бўлиши керак деган фикрда бўлганлар. (Раҳмонов И.В.).

Демак, ҳулоса қилиб XVIII ва XIX асрнинг биринчи ярмида таржима чет тилларни ўқитиш методикасини ривожлантиришга ижобий таъсир ўтказган. Шундай қилиб ўша даврда она тилини чет тили ўқитишда асосий восита сифатида системали жалб қилинганлигининг ғувоҳи бўламиз.

Ҳозирда улар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари учун жуда зарур. Замонавий малакали мутахассисдан чуқур билим касбий маҳорат билан бирга компьютер саводхонлиги ва албатта чет тиллардан бирини билиш талаб этилади, чунки у ўз меҳнат фаолиятида хорижий манбаларда чоп этилган ўз касбига оид материалларни ўқиб таржима қила олиши, уни амалиётга тадбиқ қила билиши, хорижлик ҳамкасби билан ишга доир фикр алмаша билиши керак. Бунинг учун замонавий мутахассис маълум даражадаги сўз бойлигига эга бўлиши лозим, шундагина у хорижий тилдаги матнни ўз она тилисига таржима қила олиши ва фикрни хорижий тилда ифодалай билиши лозим шунинг учун ҳам таржима чет тили ўқитиш методикасида муҳим ўрин эгаллаб келган. Агар чет тили ўқитиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак энг аввал грамматик таржима методи шаклланганлигини гувоҳи бўламиз. У икки кўринишда бўлган: лексик таржима ва текстуал (матн) таржима.

Таржима чет тили ўқитишнинг ҳозирги замонавий методикасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Бунга мисол қилиб, интенсив (тезкор) методлардан бири бўлмиш ритмопедик методни келтириш мумкин. Ушбу методда таржима техник воситалар, ранг, мусиқа ва ритм уйғунлигида намоён бўлиб, у лексик-грамматик материални талабалар томонидан қисқа бир вақт ичида ўзлаштириб олининшига ёрдам беради. Ритмопедик методда таржима тил материални ўқув жараёнига киритиш, тушуниб олиш, мустаҳкамлаш ва оғзаки нутқ кўникмаларини ўстиришдаги ўзига хос иштироки билан ажралибда ўзлаштириб олининшига ёрдам беради. унлигида намоён бўлиб, у лексик-грамматик материални талабалар томонидан ыисыа туради. Ушбу методга кўра дарснинг бошланишида аудиторияда маълум психологик муҳит яратилади ва у талабаларни чет тилида бериладиган ўқув материални эшитиб қабул қилиш ва тушуниб олиш учун диққатни бир жойга тўплаш, талабаларда хотиржамлик ва ҳуш кайфиятни ҳосил қилишга ёрдам беради. Бунинг учун классик мусиқа, ранг, ритм ва аутоген машқдан фойдаланилади. Аутоген машқ талабаларда ҳуш кайфият, хотиржамлик, ўқув

материалини ўрганишга нисбатан мотивация (истак хоҳиш) ва ўз кучига ишонч хиссини шакллантиришга ёрдам беради. Ўқув материали, маълум психологик муҳит яратилгандан сўнг мусиқавий фон асосида ўқув жараёнига киритилади. Бунда ўрганилаётган чет тилидаги лексик бирликнинг она тилидаги, кейин эса чет тилидаги таржимаси берилади, сўнг ушбу сўз ёки сўз бирикмасини ўз ичига олган гап ва унинг инглиз тилидаги таржимаси берилади. Талабалар ушбу сўз ва гапларни ҳар икки тилда берилишини тинглагандан сўнг уларни эслаб қолишга ҳаракат қиладилар. Шу йўл билан бир сеанс давомида 60-70 та лексик бирликни машқ қилиш мумкин. Таржимада ушбу усулда нафақат лексик материални ўрганиш ва сўз бойлигини ошириш, балки грамматик материални ўзлаштиришда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таржима сўз маъносини очиб бериш воситаси сифатида ҳозирги замонавий ўқитиш методикасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Айниқса, сўз маъносини очиб беришда кўргазмалиликдан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолларда таржима энг самарали усул сифатида қўлланилиши мумкин.

ГАРОЛЬД ПАЛЬМЕР МЕТОДИ

Инглиз методисти Гарольд Пальмер Токиода яшаб японларга инглиз тилини ўргатади. Инглиз тилини ўрга-тиш натижасида ўз методини яратади. Унинг методи тинглаб қабул қилиш, такдид қилишга, ёдлаб ўрга-нишга асосланган. Ҳамма тил материаллари шундай ўргатилган.

Г. Пальмернинг асосий методик тамойиллари:

- 1) Тил ўргатишни оғзаки нутқдан бошлаш;
- 2) 1 ёки 2 ой давомида инкубация даврини ўтка-зиш, бу даврда ўқувчилар она тили иштирокисиз фақат инглиз тилини тинглаш, унинг фикрича, онг иштирокисиз тил ўргатишда кўп вақт кетмайди. Албатта бу нотўғри фикрдир;
- 4) фамматик материални жадвалда қоида бермай ўргатиш (у 100 та грамматик жадваллар тузган);
- 5) тилни алоҳида олинган гаплар тартибида ўргатиш;
- 6) қийинчиликларни аста-секин бериш;
- 7) психологик омил — қизиқишга, қизиқтиришга аҳамият бериш;
- 8) ўқувчиларнинг кулоқдарини (тинглаш) кўзга (кўришга) қараганда олдинроқ, тезроқ ишлатиш, чун-ки материал оғзаки ўргатилган.

Г. Пальмер инглиз тили ўқитишнинг оғзаки курсини ишлаб чиқди ва амалда қўллаб кўрсатди, қўллан-малар ёзди. У сўзларнинг маъносини очишда, фамма-тикани тушунтиришда она тилини қўллашга қарши эмасди. Бу эса тўғри методда янгилик эди. Бу билан у тўғри методни такомиллаштирди. Унинг методи қуйи-даги босқичларга бўлинади:

1. Рецепт иш, машқ. Ўқувчилар фақатгина ўқитувчининг нутқини тинглаб ўзлаштиради: а) ярим онгли тушуниш (ўқитувчи талаффуз қилади, ўқувчилар тинг-лайди, холос); б) онгли тушуниш (ўқитувчи талаффуз қилиб ўқувчиларга ҳар хил топшириқ, вазифалар беради); в) инглиз тилидаги топшириқларни. буйруқ-ларни, иш-ҳаракатни бажартиради (тушунган

тушун-маганликларни текширади); г) Yes ва No машқи, (ўқитувчи умумий савол беради, ўқувчилар yes, no орқали жавоб бериб, материални ўзлаштирадилар).

2. Рецепт таклид (иммитатив) машқ. Ўқитувчи гапиради, ўқувчилар маълум нутқ намуналарини: а) товушни; б) сўзларни; в) сўнг оддий гапларни таклид қилиб қайтарадилар.

3. Маълум шароитдаги суҳбат. Ўқувчилар савол-жа-воб беришни ўрганадилар.

4. Одатдаги оддий шароитда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги суҳбат. У инглиз тилини ўқитишни 4 босқичга бўлади:

1. Бошланғич босқичга (Elementary stage).

2. Ўрта босқич (intermediate stage)

3. Юқори босқич (advantage stage)

4. Сўнгги босқич. У инглиз тилини ўргатишни бош-ланиши бору, охири йўқ, биринчи 2 та босқичларга инглиз тили ўргатишда катга аҳамият бериш керак, кейинги босқичлар ўз-ўзидан ривожланиб кетаверади деган фикрни билдиради.

Машқлар тизимини тузишдаги асосий методик тамойиллар.

Ҳар бир машқ кичик тизимини тузишдаги биринчи методик тамойил машқларнинг асосий типлари ва турларини ўргатилаётган нутқ фаолияти тури лингвопсихологик характеристикаларига мос келишлик тамойили ҳисобланади. Ушбу тамойилга мувофиқ гапиришни, ўқишни ўргатадиган машқлар кичик тизимида ўқишда қўлланадиган коммуникатив машқлар асосий ўринни эгаллаши керак. Машқлар тузишда қўлланадиган иккинчи тамойил-ўқув жараёнида турли нутқ фаолияти турларининг бир-бирига ижобий таъсир этилишларини ҳисобга олишлик тамойилидир.

гапириш $\rightleftarrows$ тинглаб тушуниш;

гапириш $\rightleftarrows$ ўқиш, ўқиш $\rightleftarrows$ ёзув,

гапириш $\rightleftarrows$ ёзув;

тинглаб тушуниш $\rightleftarrows$ ўқиш.

1. Чет тилларни ўқитиш машқлари ва турлари

Машқлар тизими машқ типларига бўлинади. Машқ типлари эса ўз ичига машқ турларини олади ёки типлари машқ турларининг йиғиндисидир.

Методистлари машқларни олдин 2 та типга ажратганлар:

1. Тил машқлари.
2. Нутқ машқлари.

Тил машқлари тил материалларини ўргатиш, ўзлаштиришни, уларни ўргатишдаги қийинчиликларни йўқотишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шунинг учун улар лексика, грамматика, фонетика ёки талаффуз, орфографияни ўргатиш машқ турларига бўлинади. Нутқ машқлари эса тил материаллари – фонетика, лексика, грамматика, орфография асосида нутқ фаолияти (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) турларини шакллантириш, ўргатиш, ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу сабабдан бу машқ типини тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув машқ турларига бўлиш мумкин. Кейинчалик эса тил машқларини тайёрлов машқ типлари деб атала бошланди.

Ҳозрги пайтда кўп методистлар ўқув юртларда чет тилини ўқитиш мақсадларига машқларнинг мос келишлик мезонига кўра, уларни қуйидаги асосий типларини ажратишади.

Коммуникатив бўлмаган машқлар.

Шартли (ўқув) коммуникатив машқлар.

Ҳақиқий (табиий) коммуникатив машқлар.

Коммуникатив бўлмаган машқлар биринчи тип саналиб ўз таркиби ва мақсадига кўра турличадир. Бундай машқларга тайёрлов, нутқий вазият билан боғлиқ бўлмаган машқларни киритиш мумкин. Бундай машқларнинг кўпчилиги нутқ вазиятлари ва нутқ контексти билан алоқада бўлмайди. Бу тип юқоридаги тил ёки тайёрлов машқ типини мақсадларини, яъни тил материаллари (фонетика, лексика, грамматика, орфография) ни ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шартли (ўқув) – коммуникатив машқлар иккинчи машқлар типига тегишлидир. Машқларнинг бу типини чет тиллар ўқитиш назарияси ва амалиётига 60 – йилларда киритилган. Бу типдаги машқларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, бундай машқлар тил материалларини ўқув жараёнида шартли табиий муомалага тақлид қилиб машқ қилишни амалга оширишига ёрдам беради. Шартли коммуникатив машқ типини баъзилар нутқ олди деб ҳам номлайдилар. Шартли коммуникативмашқ типини нутққа тайёрлаш, микронутққа ўргатиш вазифасини бажаради.

Машқларни учунчи типини ҳақиқий (табиий, соф) коммуникатив машқлардир. Уни баъзи методистлар нутқ машқлари типини деб ҳам атайдилар. Бу машқлар типини микронутқ фаолиятини қўллашга ўргатади. Ҳақиқий ёки соф коммуникатив машқларга нутқ фаолияти турларидаги машқлар киради. Улар ўқувчи, талабаларнинг бу нутқ фаолияти турларини она тилидагидек қўллашга ўргатади. Бу ерда янги маълумот ёки хабарни оғзаки узатиш ёки уни ёзма шаклда идрок қилиш назарда тутилади. Ҳақиқий коммуникатив машқларни бажаришнинг асосий далили муомаладаги ҳақиқий эҳтиёж ҳисобланади. Лекин бу машқлар асосан ўқув шароитларида бажарилгани учун уларни таълимий машқлар деб аташ мумкин. Машқларнинг ушбу типини нутқни тинглаб тушунишни, гапиришни ва ёзувдаги машқларнинг кўп сонли турларини ўз ичига олади. Бу машқларнинг ҳаммаси коммуникатив кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Улар тинглаб тушуниш, гапириш. Ўқиш ва ёзув машқ турларига бўлинади. Юқорида айтиб ўтилган машқ типларини методик татбиғини умумий ҳолда қуйидагича белгилаш мумкин: коммуникатив машқлар коммуникатив

кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган машқ турларини ўз ичига олади. Коммуникатив бўлмаган машқларга эса тил материални ўзлаштиришга йўналтирилган машқ турларини ўз ичига олади. Талаффузни, грамматикани, лексикани ўргатиш турлари бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандар-ти ва ўқув дастури. «Шарқ» нашриёти. 1999 йил, 5-махсус сон.
2. 5 ва 6-синфлар учун «Fly High* комплекси. Тош-кент, 2000-2001.
3. Программа факультативных курсов для средней школы. Английский, немецкий, французские языки. Ташкент, 1976.
4. «Иностранные языки в средней школе» ойномаси (1990-2002 йиллар).
5. «Тил ва адабиёт ўқитиш таълими» ойномаси (1990-2002 йиллар).
1. *Абдуллаев Ю. Н., Бушуй А. И.* Иностранный язык в современном мире. Самарканд, 2001.
2. *Андреевская — Левенстерн Л. С.* Методика преподавания французского языка в средней школе. М., 1969.
3. *Артемьев В. А.* Психология обучения иностранным языкам. М., 1969.
4. Методика работы над практическим курсом английского языка. Под редакцией Аракина В. Д. — М., 1984.
5. *Бим И. Л.* Методика обучения иностранным языкам как наука и проблема школьного учебника. М., 1977.

